



“Қалб ришталари
боғланганда,
муаммолар осон ечилади”

4-с.

Ёш ниҳолни
синдириш осон, уни
парваришlash-чи?

5-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№52
(2380)

2026 йил
30 июнь,
сешанба

Maḥalla

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Мустақиллик байрами маҳаллаларда катта тантана қилинади

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Қуронбоев раҳбарлигида Ватанимиз Мустақиллигининг 35 йиллигини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланган республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда ҳудудларда амалга оширилаётган тайёргарлик ишлари, белгиланган вази-фалар ижроси ҳамда байрам тадбирларини юқори савияда ташкил этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Кун тартибидан Мустақилликнинг 35 йиллигига бағишланган байрам тадбирларини юқори савияда ўтказиш, “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” шиори остида ташкил этилаётган



“Мустақиллик тўйи” фести-валларига тайёргарлик кўриш, шунингдек, мустақиллик ғояла-рини кенг тарғиб этувчи ба-дий-публицистик асарларни нашрга тайёрлаш масалалари ўрин олди.

Йиғилишда Мустақиллик байрамини муносиб ва юксак савияда ўтказиш, жойларда маъ-навий-маърифий тадбирлар са-марадорлигини янада ошириш ҳамда аҳоли иштирокини кенг таъминлаш бўйича аниқ вази-фалар белгилаб олинди.

“ТОП-100”:
СИЗНИНГ ҚАНДАЙ
ТАШАББУС ВА
ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

КЕЛИН ҲАМ
ҚИЗДЕК,
ҚАЙНОНА
ҲАМ ОНАДЕК
БЎЛА ОЛСА...

Ёхуд бир кунлик
тўйга тайёرمىз, бир
умрлик оилага-чи?



Мен маҳалла раиси сифатида ҳар куни турли инсонлар билан суҳбатлашаман. Ким-дир иш сўраб келади, кимдир ижтимоий ёрдам масаласида муурожаат қилади. Аммо кейин-ги пайтларда энг кўп ташвиш уйғотаётган масалалардан бири — оилавий келишмовчи-ликлар ва ажралишлардир.

Кўпчилик ажралишларнинг сабабини моддий қийинчилик, ишсизлик ёки уй-жой муаммо-си билан изоҳлайди. Албатта, бу омилларнинг таъсири бор. Лекин амалиёт шуни кўрсат-моқдаки, баъзан барча шароит муҳайё бўлган оилаларда ҳам ажралишлар кузатиляпти. Де-мак, муаммо фақат иқтисодий эмас, балки маънавий ва тар-биявий жиҳатларга ҳам бориб тақалади.

Менинг кузатишимча, бу-гунги кунда кўпчилик ёшлар оила қуришга тайёрланади, аммо оилада яшашга тайёр эмас. Тўйга оилаб, хатто йил-лаб тайёргарлик кўрилади. Бироқ эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оилада-ги масъулият, сабр, мурося ва ҳурмат ҳақида етарлича суҳ-бат қилинмайди.

Давоми 2-саҳифада.

2-саҳифа



“ОДАМЛАР
НИМА ДЕЙДИ?”
Ихчам тўй
тарафдорлари
кўп, аммо
ижтимоий
босим ҳамон
кучли...

ЮРТ ОБОДЛИГИ МАҲАЛЛАДАН БОШЛанади



“БИР КЕЛИБ КЕТИНГ,
ҚИШЛОҒИМИЗГА...”

Бугун у кечагидек эмас, тараққиётнинг
ҳақиқий манзилига айланган!

Жаҳон банки Ўзбекистонда “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” дастурининг иккинчи босқичи учун 150 мил-лион доллар маблағ ажратилишини маъқуллади. Ушбу қарор қишлоқлар ҳаётида янги ўзгаришлар учун мустақкам замин яратади.

Бугун Ўзбекистон аҳо-лиснинг қарийб ярми қишлоқ жойларда яшайди. Шу боис мазкур ҳудуд-ларда йўл, ичимлик сув, электр таъминоти, ижтимоий объектлар ва муҳандислик коммуникациялари-ни ривожлантириш нафақат аҳо-ли турмуш даражасини ошириш, балки мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши учун ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Афсуски, айрим қишлоқларда ханузгача сифат-ли йўллар, барқарор электр таъминоти ёки марказ-лашган ичимлик сув тизими билан боғлиқ муаммо-лар сақланиб қолмоқда. Бу эса аҳоли учун қўшимча қийинчиликлар туғдириш билан бирга, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши ва янги иш ўринлари яратилишига ҳам тўсқинлик қилади.

Ана шу муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбеки-стон ҳукумати 2019 йилда Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осиё инфратузилмавий инве-стициялар банки молиявий кўмагида “Қишлоқ инф-ратузилмасини ривожлантириш” дастурини амалга оширишни бошлаган эди. Қисқа вақт ичида мазкур та-шаббус ўз самарасини берди.

Давоми 2-саҳифада.

5-САҲИФА

ЭНГ КАТТА
БОЙЛИК,
БУ —
ОДАМЛАРНИНГ
ДУНЁҚАРАШИ
ЎЗГАРЁТГАНИ...



8-САҲИФА

ПРОФИЛАКТИКА
ИНСПЕКТОРЛАРИГА
АСОССИЗ
ЮКЛАМАЛАР
БЕРИШ
ТАҚИҚЛАНАДИ



БУГУНГИ
СОНДА:

Оилавий низо-лар илдизи ор-тиқча дабдаба,
ассосиз орзу-ҳаваслардан
сув ичмасин!

Афсуски, бугун кўп эркак-лар аёлларнинг ҳавойи хоҳишларига, асосиз талабларига қарши чиқа олишмаяпти. Хотиннинг ҳар бир инжиқлигига “хўп” дейиш — меҳрибонлик эмас, балки оила келаж-ига нисбатан хиёнатдир.

3-с.

Ўзгаришлар
марказида
рақамлар эмас,
инсонлар тақди-ри турибди

Маҳаллада фаолият юри-таётган ижтимоий ходим-лар нафақат хизмат кўрсат-увчи, балки оғир ҳаётий вазиятга тушган оила-ларнинг яқин кўмакчиси, маслаҳатдоши ва ишонч-ли таянчи сифатида муҳим ўрин тутadi.

6-с.

Қонунни билиш
— ортиқча
харажатнинг
олдини олади

Солиқ маданияти жарима билан эмас, ишонч ва очиқ мулоқот орқали шакл ланади. Ҳар бир учрашув, ҳар бир суҳ-бат ва ҳар бир ечим маҳал-лада қонунга ҳурматни, фуқароларда эса ишонч-ни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

7-с.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан ёшлар билан учрашув ўтказди.



ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Антонелла Бассани билан учрашди.



ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Биринчи Туркология курултойининг 100 йиллигига бағишланган халқаро конгресс қатнашчиларига ТАБРИК ЙУЛЛАДИ.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

ЮРТ ОБОДЛИГИ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“БИР КЕЛИБ КЕТИНГ, ҚИШЛОҒИМИЗГА...” Бугун у кечагидек эмас, тараққиётнинг ҳақиқий манзилига айланган!

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

2026 йил июнь ҳолатига кўра, Андижон, Фарғона, Наманган, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги 306 та маҳаллада 900 дан ортиқ сублойиха амалга оширилди. Натижада юзлаб километр йўллар таъмирланди, электр ва сув таъминоти тизимлари янгиланди, мактаблар, мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда кўприклар қурилди ёки модернизация қилинди. Энг муҳими, бу ишлар қарийб бир миллион нафар қишлоқ аҳолисининг кундалик ҳаётига ижобий таъсир кўрсатди.

Эътиборлиси, лойиҳаларни танлаш ва уларнинг ижросини назорат қилиш жараёнида маҳаллий аҳоли бевосита иштирок этади. Маҳаллани ривожлантириш гуруҳлари орқали аҳолининг ўзи қайси муаммо энг долзарб эканини белгилайди. Бу эса маблагларнинг ҳақиқий эҳтиёжларга йўналтирилиши, очиклик ва жамоатчилик назоратининг таъминланишига хизмат қилмоқда. Мазкур гуруҳлар таркибида аёллар иштироки камида 50 фоизни ташкил этади.

Эндиликда дастурнинг иккинчи босқичи янада кенг қамровли вазифаларни ўз олдига қўймоқда. Умумий бюджети 340 миллион долларни ташкил этган дастурни Жаҳон банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки ва Ўзбекистон ҳукумати молиялаштиради.



Дастур доирасида Андижон, Фарғона, Наманган, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги 296 та маҳаллада транспорт инфратузилмаси, ичимлик сув ва электр таъминоти тармоқларини ривожлантириш, шунингдек, бошқа муҳим объектларни модернизация қилиш ишлари амалга оширилади. Бу ўзгаришлардан қарийб 1,2 миллион нафар аҳоли бевосита наф қўради.

Дастур доирасида 15 та пилот маҳаллада бизнесни ривожлантириш марказлари очилади. Ушбу марказлар маҳаллий тадбиркорларга молиявий хизматлардан фойдаланиш, махсуслотларни янги бозорларга олиб чиқиш ва қўшимча қиймат заنجирларини шакллантиришда кўмак беради. Натижада камида 1500 та тўғридан-тўғри иш ўрни яратилади. Бундан ташқари, Жаҳон банки иштирокида амалга оширилаётган бошқа иқтисодий лойиҳалар билан уйғунликда яна 25 мингга яқин янги ва муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринлари ташкил этилади.

Энг муҳими, бу лойиҳа қишлоқларни фақат обод қилишни эмас, балки уларни иқтисодий фаол, инвестициялар учун жозибador ва аҳоли учун қулай яшаш масканига айлантиришни кўзда тутади. Замонавий инфратузилима, аҳоли иштирокидаги бошқарув ва янги иқтисодий имкониятлар уйғунлиги қишлоқ маҳаллаларининг барқарор тараққиётига хизмат қилади.

ҲАМКОРЛИК

“ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?”

ИХЧАМ ТЎЙ ТАРАФДОРЛАРИ КЎП, АММО ИЖТИМОЙ БОСИМ ҲАМОН КУЧЛИ...

Ҳар бир нарасада, ёндашув ва қарашларда, муносабат ва хатти-ҳаракатларда маром ва метёрийлик бўлгани маъқул. Негаки, ҳаддан ошиш, қайсиدير маънода чегарадан чиқиш яхшилиikka олиб келмайди.



“Маромийлик” умуммиллий ҳаракатига бағишланган Республика илмий-амалий конференциясида мазкур лойиҳа қисқа вақт ичида мамлакат миқёсида кенг қамровли амалий ишларга замин яратгани қайд этилди.

Жараёнда жамиятдаги маънавий муҳит, оилавий кадриятлар ҳамда ижтимоий ҳулқ-атворга оид тадқиқот ўтказилди. Унда бугунги кунда “одамлар нима дейди?” деган ижтимоий босим айрим қарорларга хали ҳам таъсир кўрсатаётгани аниқланди. 1 миллион респондент иштирокида ўтказилган сўровнома натижалари жамиятда ижтимоий босимнинг фуқаролар қарорларига сезиларли таъсир кўрсатаётганини намоён этган. Хусусан, респондентларнинг 71,5 фоизи ихчам тўй тарафдори эканини билдирган бўлса-да, 69,9 фоизи “одамлар нима дейди?” деган омил сабаб бу истагини амалга ошира олмаётганини таъкидлаган.



Саҳифани “Маҳалла” муҳбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

МОҲИЯТ

“Ташаббусли бюджет” жараёнлари доирасида маҳаллалардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда халқ вакиллари ва жамоатчилик учун қўшимча имкониятларни яратиш тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

ХАЛҚ ТАНЛОВИ, ДЕПУТАТ ҚЎЛЛОВИ — МАҲАЛЛА ТАРАҚҚИЁТИ ДЕМАКДИР

Қарорга кўра, 2026 йил 1 августдан бошлаб, ташаббусли бюджет жараёнида депутатларнинг лойиҳаларни қўшимча равишда ғойиб, деб эълон қилиш учун имкониятлари янада кенгайтирилади.

Бунда:

- ҳар бир депутат “Очиқ бюджет” ахборот порталида бир мавсум учун ажратилган маблағлар доирасида бир ёки бир нечта лойиҳаларни танлаб, қўшимча равишда ғойиб, деб эълон қилади;
- депутат ваколати мuddатидан илгари тугатилган ҳолларда, “Ташаббусли бюджет” жараёнларида парламент назоратини амалга ошириш бўйича комиссия қарорига кўра, бошқа депутатлар “Ташаббусли бюджет” жараёнларининг тегишли сайлов округидаги қўшимча ғойибларини аниқлайди.



2027 йил 1 январдан шериклик лойиҳаларини қўшимча равишда Ягона интерактив давлат хизматлари портали, тўлов ташкилотлари ва тижорат банкларининг мобиль иловалари орқали молиялаштириш имкониятлари яратилади. Мобиль иловаларда портал билан интеграция таъминланган ҳолда, барча шериклик лойиҳаларининг рўйхати ва ташаббусли бюджет жараёнининг онлайн статистикаси акс эттирилади.

Қийматли БҲМнинг 2000 барава-ригача бўлган ички йўлларни таъмирлаш бўйича шериклик лойиҳаларини туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари амалга оширадиган тартиб жорий этилади.

Шу ўринда, оилавий мус-тахамликни таъминлаш бўйича айрим тақлифларни ҳам илгари сурмоқчиман.

Аввало, никоҳдан олдинги тайёргарликка жиддийроқ ёндашиш вақти келди. Бугун ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун ҳам махсус ўқув курсларидан ўтилади. Аммо инсоннинг бутун ҳаётига таъсир қилувчи оила қуриш масаласида кўп ҳолларда ҳеч қандай тайёргарлик бўлмайди. Шу боис маҳаллаларда никоҳ арафасидаги ёшлар учун қисқа муддатли “Оилавий ҳаёт сабоқлари” машғулотларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Яна бир муҳим масала — ота-оналар билан ишлаш. Кўпинча ёшлар эмас, катталарнинг ортиқча аралашуви низоларга сабаб бўлади. Шунинг учун маҳаллаларда келинли ва кўёвли ота-оналар учун ҳам алоҳида маърибий суҳбатлар ташкил этиш керак. Чунки баъзан оилавий тинчлик учун ёшлардан кўра катталарга кўпроқ маслаҳат зарур бўлади.

Мен яна бир ташаббусни тақлиф қилган бўлардим: ҳар бир маҳаллада “Намунали оилалар кенгаши” фаолият юритиши керак. Бу кенгаш таркибига 30-40 йил аҳил яшаб келаётган, фарзандлари тарбиясида ибрат бўлган отахон ва онахонлар жалб қилинса, уларнинг ҳаётий тажрибаси кўплаб ёш оилалар учун муҳим мактаб вазифасини ўтайди.

Яна бир тақлифим бор. Бугун ижтимоий тармоқларда, кино ва сериалларда кўпинча жожа-ро, жанжал ва ажралиш билан боғлиқ салбий мисоллар кенг тарқалмоқда. Нега энди узок йиллар давомида аҳил яшаб келётган намунавий оилалар тажрибасини ҳам ёшларга кўпроқ кўрсатмаслик керак? Ёшлар ҳаётини фақат экран орқали эмас, ҳаётий ибратлар орқали ҳам ўрганиши лозим.



Ўзбекистонда
ЖАМОАТ АҲАМИЯТИГА
ЭГА ТАШКИЛОТЛАР
РЕЕСТРИ эълон
қилинди.



Давлат
руйхатидан ўтмаган
СУВ ФОНДИ ЕРЛАРИГА
бўлган ҳуқуқлар
бекор қилинади.



Шахсий эҳтиёж
учун олиб кирилган
телефонлар энди
автоматик тарзда
“UzIMEI”да рўйхатдан
ўтказилади.

2026 йил
30 ИЮНЬ,
СЕШАНБА

Mahalla №52

3

“ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!”



ХОРАЗМ

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ФИКР

Фуқароларда “бирлашсак, барча ишга қодирмиз”, деган тушунча пайдо бўлди

32 йил давомида мазкур маҳалладаги 11-мактабда ўқитувчи бўлиб ишладим. Шу боис аҳолининг бирортаси менга бегона эмас. Биринчи ўқитган ўқувчим бугун қирқ ёшга тўлди. Шундан ҳам маълумки, дўстликларнинг аксарияти мени яхши билишади.

Рўзигул ҚЎҚОРОВА,
Урганч шаҳридаги
“Дўстлик” маҳалласи раиси.

Ластлабки иш фаолиятимни 74 та кўп қаватли уй атрофини ободонлаштириш, чиқиндилар тўплаш жойларини тартибга келтиришдан бошладим. Авваллари худуддаги 8 та қабул қилиш пунктларида назорат қилувчи одам бўлмагани учун атрофида чиқиндилар сочилиб ётарди. Мазкур муаммони бартаф этиш учун бу масканларни хатловдан ўтказиб, уларнинг со-



нини еттига та туширдик. Барчасини санитария қоидалари асосида тартибга келтириб, ҳар бирига бир нафардан назоратчи одам қўйдик.

Кўп қаватли уйлارда яшовчилар яхши билишади, аксарият ҳолларда ёнма-ён яшаса-да, бир-бирини танимайдиган, мулоқот қилмайдиган қўшнилар кўп. Бундай ҳолатлар ҳашар ишлари, тўй-маърака ва турли маросимларда ҳамжиҳатликка

путур етказилади. Мана шундай ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳар бир кўп қаватли уй олдида қўшни-қўшниларни жамлаб, турли мавзуларда мулоқот, маслаҳат ва режалар тузаямиз.

Масалан, ҳашар ва ҳомийлик ёрдамида битта артезиан қудуғи қазиб, “Шовот” каналига насос ўрнатиб, суғориш тизимини йўлга қўйдик. Натижада уйлар атрофи яшилликка бурканиб, фуқароларда “бирлаш-

сақ, барча ишга қодирмиз”, деган тушунча пайдо бўлди.

Мана шу ишонч кўплаб муаммоларни ҳал этишга хизмат қиляпти. Масалан, авваллари аҳолининг 30-35 фоизи бошқа худудлардан келиб, ижарада яшаётган билан боғлиқ кўплаб муаммолар юзага келарди. Бугун улар ҳам маҳалла ҳаётига доир ишларда фаоллик қўрсатиб, ҳар ишда масъулиятли бўлишяпти.

“Маҳалла етилиги” ва масъуллар кўмағида имконият ва шароитдан келиб чиқиб, маҳалламизни савдо-сотиқ ва хизмат кўрсатиш соҳасига ихтисослаштирдик. Тадбиркорлик қилишни истаган ишсиз фуқароларга имтиёзли кредитлар ажратдик, жорий йилнинг ўзида 28 нафар ишсиз фуқаронинг бандлигини таъминладик.



Бизда тадбиркорлик қилиш истагини билдирган ёшлар кўп, фақат улар учун жой масаласи биров муаммо. Шу боис йигирмадан ортиқ тадбиркор бошқа маҳаллалар худудидан ўз бизнесини юритишяпти.

Мақсадимиз – шу йилнинг ўзида маҳалламизни ишсизлик, жиноят ва оилавий ажралишлардан холи худудга айлантиришдир. Бу йўлда барча имконият ва шароитларимиз етарли.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

“Баҳона эмас, имконият излаб, ҳам қаддимиз, ҳам қадримиз баланд бўлди”

“МУРОЖААТИМИЗ БАРИБИР ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТАДИ”, ДЕГАН ХАВОТИР ОРТДА ҚОЛДИ

Эрта тонгда маҳалла кўчасига чиқсангиз, ўзгача файзга гувоҳ бўласиз. Кимдир узумзори томон шошилган, кимдир янги очилган тикувчилик фабрикасига йўл олган, ёшлар “IT-шаҳарчаси” томон талпинади.



Бобомурод ҚАРШИЕВ,
Қўшработ туманидаги
“Чиммос” маҳалласи ҳоким
ёрдамчиси.

Б у шунчаки кундалик ҳаёт эмас, балки тақдирини ўз қўли билан ўзгартираётган инсонларнинг меҳнатга муносабатидир.

Маҳалламиз чорвачилик, узумчилик, замонавий саноат ва юқори технологиялар уйғунлашган ўзига хос иқтисодий марказга айланиб улгурди.

Ҳар қандай ишнинг бошида энг катта қийинчилик — одамлар ишончини қозониш ва уларнинг муаммоларига тўғри ечим топиш. Бошида “Мурожаатимиз барибир қоғозда қолиб кетади”, деб

ўйлаганлар ҳам бўлди. Бироқ биз ҳар бир масалани жойига чиқиб, “маҳаллабай” ўрганганимиздан сўнг қарашлар ўзгарди.

Кўпдан бери ишсиз ўтирган, аммо қўли гул бир нечта хунароманд бор эди. Улар билан суҳбатлашиб, тадбиркорликни бошлашдаги тўсиқларини ўргандик. Натижада биргина 2025 йилнинг ўзида 10 нафар ишсиз фуқаро яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилди. Бугун улар замонавий маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва савдо дуконлари, хунаромандчилик устаноналарида рўзгорини тебратяпти.

Маҳалламиз “драйвери” — узумчилик ва чорвачилик. Айни пайтда бу йўналишда 20 дан ортиқ хусусий тадбиркор фаолият юритмоқда. Аҳолининг 200 нафардан зиёди узумчилик сирларини маҳаллий анъаналар асосида давом эттираётган бўлса, 300 нафарга яқини чорвачилик орқали даромад топмоқда.

Шу билан бир қаторда, йирик ишлаб чиқариш тармоқлари ҳам маҳалла ҳаётига шиддат билан кириб келди. “Зарафшон текстиль”

масъулият чекланган жамиятига қарашли 500 ўринли тикувчилик фабрикаси ва хитойлик улшудорлар барпо этган гранит тошларига ишлов бериш корхонаси бунга яққол мисолдир. Фабрикада 100 дан ортиқ маҳаллий аёллар меҳнат қилиб, оилавий бюджетларига барака киритмоқда.




Бундан ташқари, ўтган йили маҳалладаги 90 нафар ишсиз фуқаронинг 50 нафари доимий иш ўринларига жойлаштирилди. Қолган иқтидорли, лекин маблағи йўқ фуқароларга 650 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, ўз бизнесларини бошлашларига кўмаклашилди.

Маҳалламиздаги “IT-шаҳарчаси”да таълим жараёни илғор хорижий тажрибалар асосида йўлга қўйилган. Айни пайтда 6 нафар малакали мутахассис 216 нафар маҳаллий ёшларга дастурлаш, компьютер саводхонлиги ҳамда чет тилларини мутлақо бепул ўргатмоқда.

Янада юксак марраларга етакловчи гоёлар йўқ эмас. Бюджет маблағи, вақт чеклови бўлмаса, йирик лойиҳаларни амалга оширадидик. Масалан, кичик тадбиркорлик ва уй шароитида ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватловчи замонавий марказлар очиб, аҳолини касб-хунарга ўқитиш ва малака ошириш курсларида тизимли йўналтириш ана шулар жумласидандир.

Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



Жобирхон АЛИХОНОВ,
Янги Наманган туманидаги
“Бунёдкор” маҳалласи раиси.

Б угун жамиятимиздаги энг оғриқли нукталардан бири — оилавий ажралишлар ва низоладир. Сабабига қизиқсангиз, “характеримиз тўғри келмади”, деган баҳонани рўқач қилишадди. Аммо масаланинг тубига чуқурроқ назар ташласангиз, асл ҳақиқат юзага чиқади: ортиқча дабдаба, кимўзарга қилинадиган тўйлар ва орзу-ҳаваслар...

Яшириб нима қилдик, тўй-ҳашамлардаги, уй жиҳозлашдаги увол ва дабдабаларнинг бошида кўпинча аёллар туради. “Кўшнидан кам бўлмайлик”, “қудалар нима дейди?”, “фалончи мана бунақа тўй қилибди”, деган баландпарвоз гаплар оила иқтисодининг белини синдиради. Қарз эвазига, кимнингдир қўзини қуйдириш учун қилинган бир кунлик ҳашам тез орада тугайди. Аммо ундан кейин бошланадиган қарз ўзиш ташвиши, етишмовчилик янги қурилган оиланинг файзини бузади.



Бу ерда эркакларнинг ҳам айби ва масъулиятсизлиги кам эмас. Эркак — оиланинг раҳбари, унинг устунни ва бошқарувчиси. Оилада ўзининг қатъий сўзига, мустаҳкам иродасига эга бўлиши керак.

Афсуски, бугун кўп эркаклар аёлларнинг хавойи хоҳишларига, асоссиз талабларига қарши чиқа олишмаяпти. “Аёлимнинг кўнгли ўксимасин” ёки “элга шарманда бўлмайлик”, деб имконияти етмаса-да, ўзлари билиб-билмай оилавий инқирозга замин яратмоқда. Хотиннинг ҳар бир инжиқлигига “хўп” дейиш — меҳрибонлик эмас, балки оила келажагига нисбатан хиёнатдир.

Аёллар орзу-ҳавас қилаётганда оиланинг иқтисодий шароитини, эрининг топиш-тутишини инобатга олишлари, эркаклар эса оилада ҳақиқий раҳбар бўлиб, ноўрин харажатларга “йўқ” дея олишлари шарт. Қачонки қатъий интизом ва ўзаро тушуниш бўлса, дабдаба ортидан келиб чиқадиган жанжалларга ҳам, ажралишларга ҳам чек қўйилади.

Жамиятдаги ушбу оғриқли иллатга тизимли ёндашув билан барҳам бериш учун қуйидаги таклифларни билдирамиз: ФХДЕ ва маҳалла қошидаги ёш оилаларни ҳаётга тайёрлаш курсларида ёшларга тўй харажатларини тўғри режалаштириш, даромад ва ҳаётга мувозанатини ҳисоблашни ўргатуви молиявий саводхонлик соатларини жорий этиш керак. Никоҳни қайд этишда маҳаллани ваколатли орган сифатида белгилаш лозим.



Ўзбекистон
меҳмонхоналарида
МАҲАЛЛИЙ ҚУРИЛИШ
МАТЕРИАЛЛАРИ
УЛУШИ камида
95 фоизга етказилади.



Ўзбекистонда
ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАР
СОНИ бир йилда
68 фоизга —
65,2 мингтадан
109,2 мингтага кўпайди.



Тошкентда
АТОМ ЭНЕРГИЯСИ
СОҲАСИДА билим ва
малакалар минтақавий
маркази ташкил
этилади.

4

Mahalla

№52

2026 йил
30 ИЮНЬ,
СЕШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

СИРДАРЁ

ХОРАЗМ

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

“ҚАЛБ РИШТАЛАРИ БОҒЛАНГАНДА, МУАММОЛАР ОСОН ЕЧИЛАДИ”



Авваллари маҳалла ҳақида сўз кетганда, у ерни фақатгина маълумотнома берадиган ва аҳолини рўйхатга оладиган идора сифатида тасаввур қилардим. 2019 йилда мазкур тизимда иш бошлаганимдан кейин қарашларим бутунлай ўзгарди. Аслида, “еттилик” ходимлари зиммасидаги масъулият жуда катта экан.

Шахло ЗАБИРОВА,
Гулистон шаҳридаги “Дўстлик” маҳалласи
хотин-қизлар фаоли.

Аҳоли вакилларининг барчасини бирдек қамраб олиш, уларнинг муаммолари ва ташвишлари билан яшаш катта фидойилик талаб этади. Айниқса, хотин-қизлар йўналишида бу вазифалар залвори янада ортади. Хонадонларни айланаар эканман, барчага бирдек эътибор қаратишга ҳаракат қиламан. Кимнинг қандай дарди бўлса, муносиб ечим топиб беришга интиламан.

Айни вақтда ҳудудимизда 2 276 нафар хотин-қиз истиқомат қилади. Уларнинг асосий фаолият йўналиши деҳқончилик бўлиб, томорқадан мўл-кўл ҳосил олиб келяпти. Эрта баҳордан бошланган юмушлар қор ёққунга қадар давом этади. Миришкорларимиз дастлаб булғор қалампир, помидор, қалампир, қарам каби кўчатларни сотувга чиқаришди. Шундан сўнг ўзлари ҳам шу экинлар парварishi-га киришди. Ҳосил йиғиб олинган, ерга қўқат уруғлари сепилади.



Дилором Салайдинова — қирқ йиллик тажрибага эга томорқачилардан. Аёл ҳалол меҳнати ортидан жуда кўп ютуқларга эришди. Давлатимизнинг юксак эътирофи рами бўлган “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланди. Халқнинг ҳурмат ва эътиромига сазовор бўлди. Тиниб-тинчиман Дилором опа мотокултиваторда ўзи ерларни юмшатади. Йиғим-теримга бошчилик қилиб, етилган ҳосилни бозорга олиб боради. Болалигидан меҳнат қилиб катта бўлган фарзандлари ҳам бугун ерга бошқача меҳр кўйган. Қизлари келин бўлиб тушган уйда, ўғиллари ўз хонадонида онасидан олган билимларини амалга татбиқ этиб келяпти.

Янгилик ва ўзгаришларни муваффақият қалити, деб биламан. Шу боис доим ўзига хос ташаббуслар устида иш олиб борапмиз. Жорий йилда Сурайё Ҳужамқулованинг бизнес лойиҳасини амалга татбиқ этдик. Аввалига уйда тикувчилик қилиб келаётган аёл 24 миллион сўм грант қолиби бўлган, маҳалладаги бўш бинода фаолиятини кенгайтирди. 10 нафар аёлга хунар ўргатиб, 3 нафарининг бандлигини таъминлади. Айни вақтда чеварларимиз тўй ва маросимлар учун миллий либослар тикиш билан банд.

Маҳалладаги ҳар бир аёлни ўз опа-синглимдек кўраман. Ғамини ҳам, қувончини ҳам ўзимники, деб биламан. Зеро, қалб ришталари боғлансагина, тусиқларни енгиб ўтиш осон кечади.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“Кўмакка муҳтож бўлмасдан аввал оилаларга йўл кўрсатамиз”

Маҳаллани айланиш, одамлар билан суҳбатлашиш — энг сеvimли машғулотим. Бу жараёнда доим ўзим учун фойдали нимадир ўрганаман. Аҳолининг турмуш шароити билан яқиндан танишиш асносида дардларига қулоқ тутаман.

Эрназар ЖУМАНИЁЗОВ,
Хива шаҳридаги
“Гулшан-2” маҳалласи раиси.

Кўлаб-қувватлаш, ёрдам бериш ҳеч қачон ҳеч кимга ортиқчалик қилмайди. Шу боис оилаларга улар кўмакка муҳтож бўлмасдан аввал йўл-йўриқ кўрсатамиз. Ҳар кимнинг интилиши ва имкониятидан келиб чиқиб, янги лойиҳалар бошлашга ундаймиз. Айни ёндашув асосида маҳалламиздаги табдиркорлар сонини 280 нафарга етказишга эришдик.

Бу чегара эмас, албатта. Биз олган интилиш ва ҳаракат қилишдан тўхтамаяпмиз. Жорий йилда маҳаллани ривожлантириш учун ажратилган 3 миллиард сўм маблагдан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кўламини янада оширишни мақсад қилганмиз.

Лойиҳа доирасида, биринчи навбатда, кечаю кундуз фаолият юрита-



диган гастрономик кўча қуриш режалаштирилган. Бу бўйича тез орада қурилиш ишлари бошлаб юборилади. Шу орқали яна 40 нафар янги тад-

биркорга ўз ғояларини намоён этиш имконияти яратилади. Қолаверса, савдо ва хизмат кўрсатиш сифати янада ортади.

Йил бошида маҳалламиздаги камбағаллик кўрсаткичи 9 фоизни ташкил этаётган эди. Олиб борилган манзилли табдирлар натижаси ўлароқ, бугунга келиб мазкур рақамни 5 фоизга туширишга эришдик.

Бу осон бўлмади. Айрим вақтлар оғир аҳволдаги оилалар билан ойлаб ишлашга тўғри келди. Меҳнатга лаёқатли кишиларни муносиб жойларда банд қилдик. Ноғиронлиги бўлган фуқароларнинг хоҳиш-истагидан келиб чиқиб, уй шароитида ишлашига шароит яратиб бердик. Мазкур йўналишдаги ишларимиз ҳали нихоясига етгани йўқ. Йил якунига қадар кўрсаткични янада қисқартиришни ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйганмиз.

Баъзан халқ орасида юриб, идорага киришга вақт топа олмай қоламиз. Лекин бугунги ахборот асрида натижаларни онлайн платформалар кўрсатиб беради. Назаримда, “еттилик” ходимларининг бу борадаги мушқулини осон қилиш учун ҳисобот ва ҳужжат ишларини юритадиган ходимга эҳтиёж бор. Бу аҳоли вакилларига кўпроқ вақт ажратиш, уларнинг муаммолари билан янада жиддийроқ шўғулланиш имконини берган бўларди...

ДАРОМАД МАНБАИ

“Ер меҳнат қилган кишини уялтирмайди”

Бугунги кунда томорқадан самарали фойдаланиш нафақат оила эҳтиёжини таъминлаш, балки муносиб даромад манбаи яратишнинг муҳим йўлларида бирига айланмоқда.

Нигина ШОЕВА,
журналист.

Ўрчи туманидаги “Хурлик” маҳалласида яшовчи Нуржамол Бердиева эса бунинг амалдаги исботини кўрсатиб келмоқда. У ўз хонадонидидаги 4 сотих ер майдонида ташкил этилган иссиқхонада булғор қалампир, етилган 50-60 миллион сўм даромад олишни уйдасидан чиқаяпти.

— Ер меҳнат қилган инсонни ҳеч қачон уялтирмайди, — дейди Нуржамол Бердиева. — Ҳар бир кўчат парвариш, сабр ва меҳр талаб қилади. Булғор қалампир парваришида ҳам маълум тартиб ва эътибор керак. Агар вақтида сув берилса, ҳарорати назорат қилинса ва парвариш тўғри қилинса, ҳосили ҳам яхши бўлади. Бир кунлик бе-парволик ҳам унумдорликка таъсир қилиши мумкин. Йиллик 50-60 миллион сўм даромад ортида меҳнат, сабр ва ишонч бор. Даромадга қараб одамлар фақат натижани кўради, лекин бунинг замирида қанча пешона теги тукишдек заҳмат борилигини ҳам унутмаслик керак. Илинжни унутмаслик қидириш шарт эмас. Ҳар бир хонадон томорқаси — катта имконият. Оз бўлса ҳам бошлаш керак. Ер меҳнат қилган инсоннинг меҳрини ортиғи билан қайтаради.



Бугун Нуржамол Бердиеванинг тажрибаси маҳалладаги кўлаб хонадонлар учун ўрнатилган хизмат қилмоқда. Унинг фаолияти томорқадан самарали фойдаланиш орқали ҳам оила даромадини ошириш, ҳам фаровон турмуш қуриш мумкинлигини яна бир бор исботлайди. Зеро, барака — ерда, ривож эса меҳнатда.

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

Ҳаракат қилган инсоннинг хирмонида барака

Томорқа еридан оқилона фойдаланиш орқали мўмай даромадга эришишда Қоракўл туманидаги “Тожикиент” маҳалласида кўлаб ибратли саъй-ҳаракатларни кўриш мумкин.

Албатта, бу чекка ҳудудда қўшимча иш ўринлари яратилиши, аҳоли даромадлари ошишига хизмат қилмоқда.

Зебо Қозоқова ўз ҳаракати, меҳнатсеварлиги ва ташаббуси билан маҳалладошларига ибрат бўлмоқда. У томорқасидан унумли фойдаланиб, эрта баҳордан картошка, булғор қалампир, помидор етиштирса, такрорий экин ўрнида кўк пиёз, кашнич, шивит каби кўчатлардан яхшигина пул то-

пишга эришмоқда. Шу боис, маҳалладаги кўпчилик хонадон бугун Зебо опанинг тажрибасидан ўрнатилган, томорқа ишларига жиддий киришган.

Бунда етиштирилаётган кўчатлар нафақат бир оила рўзғорига, балки маҳалладошлар дастурхонига ҳам тортиқ қилинмоқда. Бир кунда 400-500 минг сўмлик махсулот сотилаётгани оиланинг барқарор даромад манбаига эғалигидан далолатдир.

Маҳаллада Зебо Қозоқованинг ташаббусидан ибрат олиб, уй ҳўжалиғи ва томорқасини обод қилаётганлар сафи кенгаймоқда. Зеро, меҳнатдан қочмайдиган киши учун экин ери нафақат барака, балки мўмай даромад манбаи ҳамдир.

Бухоро вилояти ҳокимлиги
матбуот хизмати.





Президент
ЁШЛАР КУНИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН
ёш авлод
вакиллари
бир гуруҳини
мукофотлади.



Ўзбекистонда
16 ёшгача бўлган
болаларга
ИЖТИМОЙ
ТАРМОҚЛАРДАН
Фойдаланиш
чекланиши
мумкин.



ЎЗБЕКИСТОНДАГИ
24 ТА ОЛИЙҒОҲ
дунёнинг
“ТОП-1000” талик
университетлари
қаторидан
жой олди.

2026 йил
30 июнь,
СЕШАНБА

Mahalla №52

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”



“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ЭНГ КАТТА БОЙЛИК, БУ — ОДАМЛАРНИНГ ДУНЁҚАРАШИ ЎЗГАРАЁТГАНИ...



Бугун маҳалламиз ҳақида гап кетганда, одамнинг кўнгли тўлади. Чунки ҳозирги қиёфа билан беш-олти йил аввалги ҳолатни солиштирсак, фарқ жуда катта. Бу ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ — халқимизнинг меҳнати, интилиши ва давлатимиз яратиб бераётган имкониятлар натижасидир.

Бахтиёр ЭРНАЗАРОВ,
Чиноз туманидаги
“Маданият” маҳалласи раиси.

Маҳалламизда бугунги кунда 590 та хонадонда 756 та оила истиқомат қилади. Аҳолининг асосий қисми деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Хар бир хонадон имкониятидан келиб чиқиб, 2 сотихдан 8 сотихгача ер майдонидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиляпти. Бугун одамларимиз ерни даромад манбаига айлантириш кераклигини яхши тушуниб етди. Шунинг учун маҳалламизда 15-20 та иссиқхона ташкил этилди.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Худудимизда иккита ёшил заводи ҳамда “Global Textile” пахта-тўқимачилик кластерининг фаолияти йўлга қўйилди. Бу корхоналар нафақат иқтисодий фаоллиқни кучайтирди, балки маҳалламиз ёшлари ва аҳолиси учун муносиб меҳнат қилиш имкониятини ҳам яратди.

Инфратузилма масаласида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Йўллар таъмирланиб, раво ҳолатга келтирилди, аҳоли ичимлик сув билан таъминланди, яшаш шароитлари сезиларли даражада яхшиланди. Илгари баъзи муаммоларни кутиб яшаган одамларимиз бугун ўз ҳаётини режа билан қўриқти.

Яна бир жиҳат борки, бу биз учун алоҳида фарх хиссини беради. Маҳалламизда Ижтимоий реестрда турувчи оилалар сони жуда кам. Буни рақам билан эмас, одамларимизнинг орияти, меҳнатсеварлиги билан тушунтираман. Бизда кўпчилик ёрдам қўлидан кўра, ўз кучига ишонишни афзал билади. Кимдир ердан унум оляпти, кимдир тадбиркорлик қилиб оиласини таъминляпти.



Энг қувонарлиси, жорий йилдан маҳалламиз “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” дастурига киритилди. Бу лойиҳа оддий қўрилиш ишлари эмас — маҳалламизнинг келажак қиёфасини белгилаб берадиган улкан дастур. Режага кўра, замонавий йиғма уйлар қўрилади, тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади, хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этилади. Спорт мажмуаси, сайилгоҳ, меҳмонхона, экобоғ ва янги тадбиркорлик лойиҳалари амалга оширилади.

Маҳалламиздан ўтувчи ариқ бўйларига саломатлик йўлаклари ва тунги ёритиш тизимларини жорий қилиш орқали “Соҳил бўйи” дам олиш маскани ташкил этилади. Бу жой нафақат ҳордиқ чиқариш, балки оилалар, ёшлар ва меҳмонлар учун маҳалламизнинг кўрмига айланиши кутилмоқда. Яшил боғимиз ҳам бор. Афсуски, у анча вақт қарамсиз қолиб кетган эди. Энди уни замонавий кўринишга келтириш, 10 дан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини жойлаштириш ҳамда кўнгилочар ҳудуд яратиш режалаштирилган.

Албатта, буларнинг барчаси катта ўзгаришларнинг фақат бир қисми. Лекин энг катта бойлик, бу — одамларнинг дунёқараши ўзгараётгани. Замонавий маҳалла фақат чиройли бинолар билан эмас, балки замон билан ҳамнафас

яшайдиган, меҳнатчи кадрлайдиган, келажакка ишонадиган инсонлар билан қадри бўлади. Биз ҳам ана шу йўлдан кетяпмиз ва ишонамизки, эртанги кунимиз бугунгидан ҳам фаровон бўлади.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КўМАКЧИ

Бугун маҳалламизда 571 нафар йигит-қиз “яшил” тоифада. Яъни ўз йўлини топган, интилаётган, ҳаракатда бўлганлардир. Яна 360 нафар ёш “сарик” тоифага киради — улар орасида тарбияга эҳтиёж сезаётганлар, аввал норасмий банд бўлганлар, ишлаш истагини ҳали тўлиқ шакллантирмаганлар ҳам бор.

ЁШ НИҲОЛНИ СИНДИРИШ ОСОН, УНИ ПАРВАРИШЛАШ-ЧИ?

Севара ХўЖАЕВА,
Учтепа туманидаги
Абдулла Қодирий номидаги
маҳалла ёшлар етакчиси.



Ил бошида норасмий банд ёшлар сони кўпроқ эди. Шу вақтгача уларнинг кўпчилигини иш билан таъминлашга ҳаракат қилдик. Аммо бизнинг вазифамиз фақат иш топиб бериш эмас — ёшнинг ўзини топишига кўмаклашиш.

Ҳозирги ёшлар жуда жўшқин. Улар орасида ўз гоёси билан кўзга кўринаётганлари кўп. Масалан, ахборот технологиялари соҳасига қизиққан бир неча ёшлар бор. Улардан бири машина жиҳозлашнинг электрон моделини яратиш гоёси билан чиқди. Лойиҳанинг моҳияти шундаки, автомобиль эгаси машинасининг ички қисмлари ва дизайнида ўзгариш қилишдан олдин барча дизайн шакллари электрон кўринишда кўриб чиқиши мумкин. Яъни харидор ўз дидига мос келадими-йўқми, ўзгаришдан аввал баҳолай олади.

Бу гоёни эшитганда мен бир нарсани англадим: баъзан ёшларга пул эмас, ишонадиган инсон ва тўғри мутахассис керак бўлади. Уларга соҳа мутахассислари билан боғланишда ёрдам берилди. Кредит олиш имкониятини тақдир қилдик. Агар бу лойиҳа амалга ошса, нафақат бир гоё ҳаётга татбиқ этилади, балки яна бир нечта ёш учун янги иш ўринлари яратилади.



Саҳиёфани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.

Маҳалламизда ота-бобо касбини давом эттираётган ёшлар ҳам бор. Улардан бири — Абсам-хон Абхамов. У ясаган бешиклар замонавий услуби ва ўзига хос безаклари билан ажралиб туради. Унинг эшиги олдида хар кун ишлаб тайёр бешиклар саф тортади. Оила аъзолари эса бешик учун жилд ва тўшаклар тайёрлаб, аҳолига етказиб беришади. Бу ерда фақат хунар эмас — авлоддан авлодга ўтаётган меҳнат маданияти яшайди.

Лекин мен кўпроқ ёрдамга муҳтож ёшлар ҳақида ўйлайман. Ора-мизда жиноятчиликка мойил бўлган, хато қилган, кейин озодликка чиққан ёшлар ҳам бор. Одатда улар вақтинча ишларга жалб қилинади, кейин эса яна ўзи билан ёлғиз қолдирилади. Энг оғир савол шу ерда бошланади: кейин нима бўлади? Кўп ҳолларда уларга ишонч билдирилмайди. Аммо мен бошқача ўйлайман. Улар ҳали ёш ниҳол. Агар ниҳолга сув берилмаса, қуриб қолиши мумкин. Агар эътибор берилса, улкан дарахтга айланади.

Бизнинг вазифамиз фақат ҳисобот учун ишлаш эмас. Хар бир ёшга иккинчи имконият бериш, уни жамиятга қайтариш ва ўз кучига ишонтаришдир. Чунки ёшнинг кўллаб-қувватлаш — бугунги кун вазифаси эмас, эртанги кунга қилинган сармоядир.


ТАЪЛИМ

ҚўШИМЧА ДАВЛАТ ГРАНТИГА ҚАБУЛДА SAT СЕРТИФИКАТИ ҚўЛЛАНИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш жараёنларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига биноан, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб, айрим абитуриентлар учун олий таълимга киришда қўшимча давлат гранти асосида ўқиш имконияти яратилади.

Бую имконият халқаро SAT (Scholastic Aptitude Test) сертификатига эга бўлган ёшлар учун амал қилади. Унга кўра, SAT сертификатида 1 200 ва ундан юқори балл олган абитуриентлар математика ва чет тили фанлари мажмуаси бўлган кундузги бакалаврият йўналишларига қўшимча давлат гранти асосида танловда қатнашиши мумкин. Бунда қўшимча грант ўринлари ушбу йўналиш учун белгиланган қабул квотасининг 50 фоизи миқдоридан ажратилади.

Имтиёздан фойдаланиш учун абитуриент рўйхатдан ўтишда айнан математика ва чет тили фанларини танлаши ҳамда SAT натижаси 2026 йил 25 июнга қадар Билим ва маълумотларни баҳолаш агентлигига етиб келган бўлиши керак.



Қўшимча грантга қабул қилишда асосий мезон SAT балли ҳисобланади. Абитуриент танлаган 5-тагача ОТМ ва йўналиш бўйича энг юқори SAT натижалари кетма-кетлигида тавсия этилади.

Шунингдек, SAT сертификати эга абитуриентлар ушбу имтиёздан фойдаланиш ёки одатий тест натижалари асосида умумий танловда иштирок этишни мустақил танлаши мумкин. Агар дастлаб танлаган йўналишларга кира олмаса, бўш қолган қўшимча грант ўринлари учун қайта рўйхатдан ўтиш имконияти ҳам берилади.

СўРАГАН ЭДИНГИЗ...

Азиза ҚАҲҲОРОВА. Қашқадарё вилояти:


— Бу йил фарзандим 1-синфга чиқади. Бир вақтнинг ўзида бир нечта мактабга ариза топширсак бўладими?

БИР НЕЧТА МАКТАБГА АРИЗА БЕРИШ МУМКИНМИ?

Фарҳод БОҚИЕВ,
Мактабгача ва мактаб
таълими вазири
ўринбосари:

— Йўқ, бир вақтнинг ўзида иккита мактабга ариза топшириш имконияти мавжуд эмас. Аввало, жорий йилнинг 20 июнидан 31 июлигача фарзандингизни бириктирилган микроҳудуд бўйича фақат битта мактабга рўйхатдан ўтказиш учун ариза юборишингиз мумкин. Шундан сўнг, 1 августдан 31 августгача микроҳудуддан ташқаридаги иккинчи мактабга ариза топшириш имконияти яратилади.

Эслатиб ўтаман, 2026-2027 ўқув йили учун 1-синфга қабул жараёни жорий йилнинг 20 июнидан бошланган.



1 июлдан бошлаб, **ВАҚТИНЧАЛИК МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТСИЗЛИК НАФАҚАЛАРИНИ** тўлашнинг янги тартиби жорий этилади.



Ўзбекистонда 2030 йилгача меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини **ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИНИ ЎЗГАРТИРИШ** таклиф этиляпти.



Ўзбекистонда **ҚАЙТА ИШЛАНГАН ПЛАСТИКДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА йўл куриш технологияси** жорий этилади.

6

Mahalla

№52

2026 йил
30 июнь,
СЕШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”



БУХОРО

Баъзан инсоннинг бутун ҳаётини унинг кўзларига қараб англаш мумкин. Маҳалладаги хонадонлардан бирига кирганимда, саксон ёшдан ошган нуроний онахон билан танишдим. У кишининг нигоҳларида йиллар давомида йиғилиб қолган дард, айрилиқ ва ёлғизлик акс этиб турарди.

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...



ҚАЛБГА ҚАЙТГАН ИШОНЧ

Санобар РАҲМОНОВА, Чиноз туманидаги “Эҳтиром” маҳалласи ижтимоий ходими.

Икки фарзандидан айрилган, умр йўлдошини йўқотган бу онахон узоқ йиллар давомида оғир изтироблар билан яшаган. Ёлғизлик аста-секин унинг қалбига жойлашиб, ҳаётга бўлган ишончини сусайтирганди.

Ҳар сафар фуқаронинг ҳолидан хабар олгани борганимда, унга мавжуд ижтимоий хизматлар, яратилган имкониятлар ҳақида маълумот бердим. Самимий суҳбат ва меҳр аёлнинг ҳаётига ўзгача мазмун олиб кирди.

Орадан вақт ўтди. Онахондаги ўзгаришлар аста-секин сезила бошлади. Бир пайтлар мунг босган нигоҳларда энди ишонч ва шукроналик уйғонди. У маҳалла тadbирларида қатнашадиган, кўни-кўшнилари билан суҳбатлашадиган, ҳаётга бошқача назар билан қарайдиган бўлди.

Бир кун у менга самимийлик билан шундай деди: — **Авваллари ўзимни унутилгандек ҳис қилардим. Энди ёлғиз эмаслигимни яхши биламан.**

Бу сўзлар мен учун энг катта муқофот эди. Бугун онахон давлатимиз нуронийларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрликни алоҳида миннатдорлик билан тилга олади. Ўртимизда инсон қадрли улуғланаётгани, кексаларга меҳр ва эътибор кўрсатилаётгани унинг ҳаётида ҳам ўз аксини топди.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

“ИНСОН ҲАЁТИНИ ТЎҒРИ ЁНДАШУВ, МАНЗИЛЛИ ХИЗМАТ ВА ПСИХОЛОГИК КЎМАК ТУБДАН ЎЗГАРТИРАДИ”

Баъзан дарё каби шиддат билан ўтиб бораётган умримизни ўтқинчи эканини ёддан чиқариб қўямиз. Кунларимиз ва дақиқаларимизни бесамар совуриб юборган вақтлар ҳам бўлади. Лекин ҳеч бир онни ортга қайтариб бўлмаслигини ҳис қилиш билан уларни қанчалар қадрли эканини англаймиз.



Нозима ЭҒАМОВА, Қорақўл туманидаги “Тайқир” маҳалласи ижтимоий ходими.

Бизга берилган ҳаёт аталмиш неъмат эса эзгу амал ва яхшиликлар билан янада мазмунли. Ён-веримиздаги муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжманд оила вакилларига ёрдам қилини чўзиш чин инсонийлик бурчимиздир.

Айни вақтда маҳалламизда истиқомат қилаётган 3 225 нафар фуқаро билан ишлаш жараёнида қалбимдан шу каби туйғулар кечади. Айниқса, 123 нафар ногиронлиги бўлган шахснинг ижтимоий фаоллигини ошириш, тўлақонли турмуш кечиришини таъминлаш зиммамга катта масъулият юклайди.

Бир неча йил аввал Севиндиқ Сувоновнинг оғир автоҳалокатга учраши оиланинг ҳаётини кескин ўзгартириб юборди. Бахтсиз ходиса сабаб унинг соғлиги жиддий зарар кўрди ва узоқ муддат даволаниш ҳамда парварishiга муҳтож бўлиб қолди.

Турмуш ўртоғи Нилуфар Тўраева эса бир томонда фарзандининг парварishi, иккинчи томонда ётоққа михланиб қолган турмуш ўртоғига қараш билан банд бўлгани сабабли доимий иш фаолияти билан шуғуллана олмади. Оиланинг даромад манбаи деярли мавжуд эмас эди. Бунинг устига, Севиндиқ аканинг соғлигини тиклаш мақсадида бир неча маротаба ўтказилган жарроҳлик амалиётлари оила бюджетини янада оғир аҳволга келтириб қўйди.

Мазкур ҳолатни ўрганиб, оилага умумий ёндашув асосида ижтимоий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Дастлаб хонадон вакиллари “Ижтимоий реестр”га киритилиб, фарзанди учун бола нафақаси тайинланди. Бундан ташқари, Севиндиқ Сувонов протез-ортопедия мосламалари ҳамда реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминланди.

Шунингдек, “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан фуқарога моддий ёрдам ажратилди. Оила аъзоларига психологик ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Энг муҳими, оиланинг узоқ муддатли барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун алоҳида ёндашув ишлаб чиқилди. Хонадонда минн лойиҳа сифатида уй боғчаси ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди ва амалий ёрдам кўрсатилди.

Бугунги кунда ушбу тарбия маскани ўз қучоғига 40 нафар болани қамраб олган. Эътиборлиси, бу ерда оғир ижтимоий вазиятдаги оила фарзандлари учун имтиёзли шароитлар яратилган. Бу эса маҳалладаги бошқа эҳтиёжманд кишиларни ҳам қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Кўрсатилган манзилли ёрдам, яратилган имконият ва доимий эътибор натижасида бугунги кунда Сувоновлар оиласининг ижтимоий аҳволи анча яхшиланди. Севиндиқ ака ҳассасга таянган ҳолда ҳаракатлана бошлади. Оила эса ўз даромад манбаига эга бўлиб, келажакка ишонч билан қарамоқда.

Ушбу мисолдан кўриш мумкинки, ижтимоий химоя фақат моддий ёрдам билан чекланиб қолмайди. Тўғри ёндашув, манзилли хизмат, психологик кўмак ва даромад манбаини яратишга қаратилган ташаббуслар инсонлар ҳаётини тубдан ўзгартириши мумкин.

Илгари ижтимоий ёрдам кўп ҳолларда мурожаатни кўриб чиқиш ва моддий кўмак бериш билан чекланган бўлса, бугун тизимнинг асосий вазифаси фуқаронинг муаммоларини бартараф этишга қаратилди.

Тимур БАЙБИКОВ, Ижтимоий химоя миллий агентлиги Навоий вилояти бошқармаси матбуот котиби.

умладан, Навоий вилоятида сўнгги икки йилда ижтимоий химояга муҳтож аҳоли 299,3 мингга ариза билан мурожаат қилган бўлиб, уларнинг 218,8 мингтаси бўйича ижобий натижага эришилган.

— Ўтган давр мобайнида амалга оширилган чора-тадбирлар нафақат мавжуд муаммоларни бартараф этиш, балки инсон капиталига сармоа киритиш, ижтимоий ҳавф-хатарларнинг олдини олиш ва аҳолининг муҳтож қатламлари учун муносиб ҳаёт шароитини яратишга қаратилди, — дейди Ижтимоий химоя миллий агентлиги Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи Қасимов Ражабов. — Бу ижтимоий химоя соҳаси нафақат моддий кўмак, балки реабилитация, психологик ёрдам, парварishi хизматлари, ижтимоий мослашув, таълим ва бандликка қўмаклашиш каби йўналишларни ҳам қамраб олгани билан аҳамиятлидир. Энг муҳими, ижтимоий химоя соҳасида рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали ижтимоий ёрдам ҳақиқатан муҳтож инсонларга етиб бориши, қарор қабул қилиш жараёнида инсон омили таъсиридан холи бўлишига эришилмоқда. Хусусан, вилоятда “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларини ажратишда автоматлаштирилган тизимининг жорий қилиниши орқали 3 901 нафар фуқарога 5 миллиард 700 миллион сўм маблағ ажратилди.



Маҳаллада фаолият юритаётган ижтимоий ходимлар нафақат хизмат кўрсатувчи, балки оғир ҳаётини вазиятга тушган оилаларнинг яқин кўмакчиси, маслаҳатдоши ва ишончли таянчи сифатида муҳим ўрин тутасди. Улар аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва жамиятда соғлом муҳитни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Кармана туманидаги “Наврўз” маҳалласида яшовчи Озода Одилова ҳам ана шундай имконият туфайли бугун ўз орзусига етди. Ногиронлиги бор фарзандини ёлғиз ўзи парварishiлаб келаётгани боис уй-жойини таъмирига имкони йўқ эди. Ижтимоий химоя тизимидаги ислохотлар натижасида бу оилага ҳам эътибор қаратилиб, мавжуд муаммо ўз ечимини топди. Муҳими, эртанги кунига умид мустаҳкамланди.

“Нарпай” маҳалласида яшовчи Хуррият Пулатованинг ўзи ва турмуш ўртоғида ногиронлик мавжуд. Уй жойи таъмирига ёрдам кўрсатилиши натижасида муаммоларига ечим топилди. Бундан ташқари, Хуррият опага тикув машинаси олиб берилгани қўшимча даромад топиш имконини берди. Бугун унинг қўли қўлига тегмай кўрпа-тўшак, турли либослар тикиб, яхшигина даромадга эга бўляпти.

Вилоятдаги маҳаллалар кесимида 47 мингга хонадон ўрганилиб, 15 200 та оила Ижтимоий реестрда киритилди. Бу оилаларнинг 61 минг нафардан зиёд аъзоси билан индивидуал ишлаш тизимлари йўлга қўйилди. Натижада, 9 482 та хонаданнинг даромади оширилиб, камбағалликдан чиқарилди. Бу минглаб оилаларнинг турмуш даражаси яхшилангани, фарзандларнинг таълим олиш имконияти кенгайиб, келажакка бўлган ишончи мустаҳкамланганидан далолат.

Ижтимоий химоя соҳасида эришилган натижалар давлатимиз амалга ошираётган ислохотларнинг ҳаётини самарасидир. Энг муҳими, мазкур ўзгаришлар марказида рақамлар эмас, инсон тақдири турибди. Бу эса инсон қадрини юксалтириш ва кучли ижтимоий давлат барпо этиш йўлидаги ислохотларнинг амалий ифодасидир.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХУҲАЕВА тайёрлади.

ИНТИЛГАНГА ИМКОНИАТ ЧЕКСИЗ

Учқўприклик пара камондан отиш устаси Мавлудахон Абдуназарова 2002 йилда тумanning “Ҳасанқора” маҳалласида туғилган. 2024 йилдан бўён мураббий Зокиржон Ғофуров раҳбарлигида пара камондан отиш спорти билан мунтазам шуғулланиб келмоқда.

Ғолиблик йўли ирода ва ишончдан бошланади



Давлатжон ПОЛВОНОВ, Ижтимоий химоя миллий агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Киска вақт ичида юқори натижаларга эришган спортчи сўнгги икки йил давомида икки қарра Ўзбекистон чемпионати совриндори бўлишни уддалади. Шунингдек, у Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси сифатида мамлакатимиз шарафини муносиб химоя қилиб келмоқда.

Айни пайтда Фарғона давлат университетининг 1-босқич талабаси бўлган Мавлудахон таълим ва спортни муваффақиятли уйғунлаштириб, ўз олдида янада юксак максadларни қўйган. Унинг ҳаёт йўли матонат, сабр ва қатъиятнинг ёрқин намунасидир.

Мавлудахон пара камондан отиш баҳсларида камонни оёқлари билан барқарор ушлаб, нишонни аниқлайди, пайкони эса тишлари ёрдамида қўйиб юборади. Унинг ҳар бир ҳаракати жасорат, ҳар бир отилган ўқи эса ирода, меҳнат ва ишонч тимсолидир.



Ўзбекистонда
ИМПОРТ ТОВАРЛАРИ
УЧУН ЭЛЕКТРОН
ТАСДИҚ ОЛИШ
ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ.



Ҳайдовчилар
энди айбдор тараф
суғурталовчисидан
СУҒУРТА ТЎЛОВИНИ
ОЛИШ УЧУН мурожаат
қилиши мумкин.



Қозоғистон ва
Ўзбекистон
чегарасидаги иккита
пункт халқаро мақом
олади, улар кеча-ю
кундуз ишлаш
режимига ўтади.

2026 йил
30 июнь,
СЕШАНБА

Mahalla №52

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”



НАВОИЙ

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Қонунни билиш — ортиқча харажатнинг олдини олади



— Ака, харидорлар пулни картамга
ташлайверса бўладими? Ҳамма шундай
қияпти-ку...

Нуриддин АБСАМАТОВ,
Навбахор туманидаги
“Ҳаловаттепа” ва
“Қоражон” маҳаллалари
солиқ инспектори.

Маҳалладаги нав-
батдаги учрашу-
вимиз айнан шу савол билан
бошланди. Саволни кичик
озик-овқат дўкони эгаси бер-
ди. Унинг нигоҳида хавотир

сезилиб турарди. Сўнгги кун-
ларда ижтимоий тармоқлар-
да тарқалган хабарлар уни
ўйлантириб қўйган экан.

Сўхбат давомида янги
тартибларни батафсил ту-
шунтирдик. Эндиликда яққа
тартибдаги тadbиркорлар
ва ўзини ўзи банд қилган
фуқаролар электрон тўлов-
ларни белгиланган QR-код
орқали қабул қилиши ло-
зимлиги, акс ҳолда қонунчи-
ликда жавобгарлик белги-
ланганини мисоллар билан

изоҳлаб бердик. Бошқа шахс
номига расмийлаштирил-
ган QR-коддан фойдаланиш
ҳам қонунбузарлик ҳисобла-
нишини эшитган тadbиркор
барча ҳужжатларини қайта
қўриб чиқишга қарор қилди.
Бир қарашда оддий туюлган
маслаҳат уни катта молиявий
йўқотишдан асраб қолди.

Орадан кўп ўтмай, маҳал-
ла фуқаролар йиғинида
ота-оналар билан учрашув
ташкил этдик. Сўхбат даво-
мида фарзандларини нодав-
лат боғча ва мактабларга
қатнатаётган ота-оналардан
бири: “Шунча солиқ тўлай-
миз-у, бизга ҳеч қандай ен-
гиллик йўқ”, дея фикр бил-
дирди.

Аслида эса имконият бор
эди. Фақат қўпчилик бундан
беҳабар. Уларга нодавлат
мактабгача таълим ва мактаб-
ларга тўланган маблағлар
учун даромад солиғи бўйича
имтиёз мавжудлиги, бунинг
учун иш берувчи орқали
ёки “Солиқ” мобилъ илова-
си ёрдамида мурожаат қи-
лиш мумкинлигини босқич-
ма-босқич тушунтирдим. Сўх-
бат якунида ота-оналар зарур
ҳужжатларни тайёрлашни
бошлаб юборишди.



Фуқаролар қонунни
билишни истайди.
Баъзан битта
саволга берилган
аниқ жавоб ёки ўз
вақтида берилган
маслаҳат тadbиркорни
жаримадан,
оилани эса ортиқча
харажатдан сақлаб
қолади. Маҳаллада
олиб бораётган
ишларимизнинг
мазмунини ҳам айнан
шунда. Биз фақат
назорат қилмаймиз.
Тушунтирамиз,
эшитамиз, йўл
кўрсатамиз ва амалий
ёрдам берамиз.

Чунки солиқ маданияти
жарима билан эмас, ишонч
ва очик мулоқот орқали
шақлланади. Ҳар бир учра-
шув, ҳар бир сўхбат ва ҳар
бир ечим маҳаллада қонунга
ҳурматни, фуқароларда эса
ишончини мустаҳкамлашга
хизмат қилади.

МАҲАЛЛАДА ҲАЛ БЎЛГАН МУАММО, БУ — ФУҚАРОНИНГ ВАҚТИ, ИМКОНИЯТИ ВА ИШОНЧИ ТЕЖАЛГАНИ ДЕГАНИ

Маҳалланинг молиявий имкониятларини
кенгайтириш ва аҳоли муаммоларини жойида
ҳал қилиш бўйича ўзига хос тизим йўлга қўйилган.



Бобур САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Шовот тумани бўлими
бош мутахассиси.

Шовот тумани мисолида ол-
сак, жисмоний шахслар-
дан олинадиган мол-мулк ва ер со-
лиғи бўйича ундирилган маблағлар-
нинг 10 фоизи 52 та маҳалла учун
алоҳида очилган ҳисобрақамларга
йўналтириляпти. Натижада маҳалла-
лар ўз ҳудудидаги энг долзарб муам-
моларни ҳал қилиш учун мустақил мо-
лиявий манбага эга бўлмоқда.

2025 йилдан қолган маблағлар
ҳамда 2026 йилнинг биринчи ярим
йиллиги давомида маҳаллалар
ҳисобрақамларига жами 2 миллиард
286 миллион 486 минг сўм маблағ ке-
либ тушди. Мазкур маблағлар фуқаро-
лар йиғинларида тузилган Кенгашлар
қарорлари, аҳоли таклифлари ва йиғи-
лиш баёнлари асосида сарфланади.

2026 йилнинг ўтган даврида жами
979 миллион 470 минг сўм маблағ
аҳоли учун зарур бўлган йўналиш-
ларга йўналтирилди. Жумладан, 17 та
маҳаллада ички йўлларни таъмирлаш
ишлари амалга оширилди. “Абек”,
“Бўйрачи”, “Катқалъа”, “Наврўз”, “Мо-
нок”, “Олтинқалъа”, “Роят”, “Туқмангит”,
“Хитой”, “Тупроқ қалъа”, Комилжон ота
ва Огаҳий номидаги маҳаллаларда
жами 11 километр 188 метр ички йўл
таъмирланиши учун 354 миллион 255
минг сўм маблағ сарфланди. Бу ишлар
аҳолининг кундалик ҳаракатланишига
қўлайлик яратиш билан бирга, маҳал-
лаларнинг кўриниши ва инфратузил-
масини ҳам яхшилади.

Шунингдек, аҳоли хавфсизлиги
ва қўлайлигини таъминлаш мақсади-
да 28 та маҳалланинг ички кўчаларига
жами 934 донa қуёш панели асосида
ишлайдиган тунги ёритгич ўрнатилди.
Бу ишлар учун 404 миллион 632 минг
сўм маблағ йўналтирилди. Маҳалла-

ларнинг моддий-техник базасини мус-
таҳкамлаш мақсадида 8 та маҳаллага
рангли қоғоз чиқариш ускунаси ҳамда
18 та маҳаллага моноблок компьютер-
лар харид қилинди. Бу эса маҳалла
ҳодимларининг иш самарадорлигини
ошириш ва аҳолига хизмат кўрсатиш
сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.



Жамоат хавфсизлигини
таъминлаш мақсадида 8 та
маҳаллада юзни таниш ва
автотранспорт рақамини
аниқлаш имкониятига эга
кузатув камералари ўрнатилиб,
бу ишлар учун 75 миллион
149 минг сўм маблағ сарфланди.

Шу билан бирга, “Арбоб”, “Идали
қалъа”, “Ипакчи”, “Қумёп”, “Оқ олтин”,
“Чигатой” ва “Янги йўл” маҳаллалари-
нинг асосий кўчалари кириш қисмига
дарвозалар қўрилди.

Шу билан бирга, айрим маҳалла-
ларда маблағ тушумлари нисбатан
кам бўлгани ҳам кузатилди. Хусусан,
“Замондош” маҳалласига 5 миллион
979 минг сўм, “Гулшан” маҳалласи-
га 6 миллион 756 минг сўм, “Дўстлик”
маҳалласига 6 миллион 441 минг сўм
ҳамда бошқа айрим маҳаллаларга
шунга яқин миқдорда маблағ келиб
тушган.

Ҳозирги кунда маҳалла фуқаро-
лар йиғинлари ҳисоб рақамларида
жами 835 миллион 906 минг сўм маб-
лағ мавжуд. Бу маблағлардан фой-
даланишда асосий мақсад — одам-
ларнинг кундалик ҳаётида сезиладиган
ўзгаришларни яратишдир. Яъни
йўллар сифатини яхшилаш, кўчаларни
ёритиш, коммунал инфратузилмани
ривожлантириш, болалар ва ёшлар
учун қўлай муҳит яратиш, маҳаллалар
хавфсизлигини таъминлаш каби вази-
фалар устувор ҳисобланади.

Қобил ОЛЛОЁРОВ.
Жиззах вилояти:

— Мен тadbиркор сифатида
бир товарни пул олмасдан
бошқа корхонага бериб
юбордим, эвазига улар ҳам
менга бошқа товарни бепул
такдим қилди. Бундай
ҳолатда ҳар икки томон
ҳам фойда солиғи тўлаш
мажбуриятига эгами?

Бобур ИСМОИЛОВ,
Жиззах вилояти солиқ
бошқармаси бошлиғи:

— Бу ҳолатда солиқ оқибатла-
рини товарни қабул қилувчи ва
товарни берувчи томон нуктаи
назаридан алоҳида қўриб чиқиш
керак.

Аввало, товарни текин қабул
қилиб олган шахс (ёки ташкилот)
учун ушбу амалиёт иқтисодий наф
сифатида баҳоланади. Солиқ ко-
дексининг 299-моддасига муво-
фиқ, текин олинган мол-мулкнинг
қиймати жами даромад таркиби-
да эътироф этилади. Бунда товар-
нинг қиймати унинг бозор баҳо-
сидан келиб чиқиб белгиланади
ва бу қиймат тегишли ҳужжатлар
— нархлар рўйхати, биржа маъ-
лумотлари ёки бошқа тасдиқлов-
чи манбалар орқали асосланиши
лозим. Шу сабабли, товарни қабул
қилган томон ушбу қийматни да-
ромад сифатида ҳисобга олиб,
амалдаги тартиб бўйича фойда
солигини тўлайди.

Товарни текин бериб юборган
томон учун эса вазият бошқача-
роқ. Чунки бу амалиёт натижаси-
да унда даромад шаклланмайди.

Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

ТЕКИН
ТОВАР
АЙЛАНМАСИ
УЧУН
СОЛИҚ
ТЎЛАНАДИМИ?

Бироқ Солиқ кодексининг
317-моддаси 27-бандига
кўра, текин берилган мол-
мулк қиймати ва уни бериш
билан боғлиқ харажат-
лар фойда солиғи базаси-
ни камайтирувчи харажат
сифатида тан олинмайди.

Яъни корхона ушбу товар
таннарҳини солиқ ҳисобида
харажат сифатида чегириб
ташлай олмайди.

Қисқача айтганда, фой-
да солиғи мажбурияти
асосан товарни қабул қи-
либ олган томонда юзага

келади, чунки у иқтисодий
наф олган ҳисобланади.
Текин берувчи томонда эса
даромад пайдо бўлмайди,
аммо у ушбу ҳолат бўйича
харажати солиқ базасини
камайтириш учун ҳисобга
ололмайди.

1 июлдан айрим вақтинчалик чекловлар бўлади

2026 йил 1 июлдан солиқ
маъмуричилигини ташкил
этиш тизимида муҳим
ўзгариш кучга киради.

Унга кўра, бозорлар, савдо
мажмуалари, савдо ва уму-
мий овқатланиш корхоналари,
хизмат кўрсатувчи субъектлар,
қишлоқ ҳўжалиги корхонала-
ри, шунингдек, яққа тартибдаги

тadbиркорлар ҳамда ўзини ўзи
банд қилган шахслар бўйича
солиқ маъмуричилигини юри-
тишни бевосита тегишли туман
(шаҳар) солиқ инспекциялари
амалга оширади. Мазкур тартиб
Президентимизнинг “Солиқ
органлари фаолиятини инсти-
туционал жиҳатдан тақомил-
лаштириш ва солиқ маъмурият-
чилигида замонавий ёндашу-
ларни жорий этиш чора-тад-
бирлари тўғрисида”ги фармо-
нига мувофиқ жорий этилади.
Янги тизимга ўтиш жараё-

нида солиқ тўловчиларнинг
шахсий ҳисобварақатларини
янгилаш ва тегишли маълумот-
ларни янги тартибга мослашти-
риш бўйича техник ишлар олиб
борилади. Шу сабабли 2026 йил
1 июлдан 6 июлгача “mysoliq.uz”
порталидаги шахсий кабинет-
нинг айрим хизматлари вақтин-
ча ишламайди.

Хусусан, ушбу даврда бюд-
жет билан ҳисоб-китоблар
бўйича солиштирма далолат-
номасини олиш ҳамда солиқ
қарздорлиги мавжуд эмаслиги

тўғрисидаги маълумотнома-
ни шакллантириш имконияти
вақтинча чекланади. Бу чек-
ловлар фақат техник янгила-
нишлар билан боғлиқ бўлиб,
солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва
мажбуриятларига таъсир кўр-
сатмайди.

Техник ишлар якунлангач,
порталнинг барча хизматлари
одатдаги тартибда қайта ишга
туширилади ва фойдаланувчи-
лар яна барча электрон хизмат-
лардан тўлиқ фойдаланишлари
мумкин бўлади.


ТАРТИБ



Хулоса қилиб айтганда, маҳаллаларга ажратилаётган маблағлар
оддий рақам эмас, балки аҳолининг турмуш сифатига хизмат қиладиган
амалий имкониятдир. Маҳаллада ҳал бўлган муаммо, бу — фуқаронинг
вақти, имконияти ва ишончи тежалгани дегани. Шу боис келгусида ҳам
маблағлардан очиклик, адолат ва самарадорлик тамойиллари асосида
фойдаланиш орқали маҳаллаларни янада обод ва яшаш учун қўлай
ҳудудларга айлантириш ишлари изчил давом эттирилади.



Ўзбекистонда беш ойда НОҚОНУНИЙ ҚУРОЛ МУОМАЛАСИ билан боғлиқ 778 та ҳолат аниқланди.



Тошкентда ПИЁДАЛАР ЎТИШ ЖОЙЛАРИ УЧУН янги хавфсизлик тизими — ҳайдовчиларни узоқдан огоҳлантириш тартиби жорий этилди.



Дарахтлар кесилишига 10 МИНГ ДОЛЛАР ЭВАЗИГА КЎЗ ЮМГАН экология ходими ушланди.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА,
ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

МУНОСАБАТ

Профилактика инспекторларига асоссиз
юкламалар бериш тақиқланади

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳузурида профилактика инспекторлари ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш, соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш юзасидан таклифлар тақдироти бўлиб ўтди. Унда соҳада йўғилиб қолган муаммоларга аниқ ечимлар, муҳим таклифлар қўриб чиқилди.

Рустам ДЖУРАЕВ,
Ички ишлар вазирининг
биринчи ўринбосари,
Жамоат хавфсизлиги
департаменти бошлиғи,
генерал-майор.

Ийгилишда қайд этилганидек, бугунги кунда республика бўйича 8 992 та маҳаллада 10 мингдан ортиқ профилактика инспектори хизмат олиб бормоқда. Бироқ уларга хос бўлмаган 50 га яқин қўшимча вазифаларнинг юклатилгани оғриқли нукталардан бўлиб турган эди. Натижада инспекторлар маҳаллада жиноятчиликни жиловлash, аҳоли муаммоларини ҳал этиш ўрнига, қоғозбозлик ва ўзига тегишли бўлмаган топшириқлар билан банд бўлиб қолаётганди.



Тақдимотда шу муаммоларга ечим сифатида ишлаб чиқилган “Ички ишлар органлари профилактика инспекторининг мақоми тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳақида ҳам маълумот берилди. Унга кўра, инспекторларнинг касбий фаолиятига аралашши, асоссиз юкламалар бериш қатъиян тақиқланади.

Эндиликда улар давлат ташкилотларининг ахборот тизимларидан бепул фойдаланиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича жазо қўллаш ваколатларига (18 та модда бўйича огоҳлантириш бериш) эга бўлади. Давлат идоралари инспектор сўровига 10 кунда, тақдимом-



Тақдимотда янги тизим асосида жиноятчиликни баҳолашда рақамлар ва кўрсаткичларни таққослаш амалиётидан тўлиқ воз кечиляётгани билдирилди.

Криминоген вазиятни баҳолашда фақат статистик кўрсаткичларга таяниш эмас, балки аҳоли ишончи, ҳуқуқбузарликларнинг қайта содир этилиши, хавф гуруҳидаги шахслар билан ишлаш натижадорлиги асосий мезон бўлиши белгиланяпти. Яъни халқаро тажрибада кенг қўлланиладиган “Community policing” (“жамиятбай” ҳуқуқ-тартибот) модели асосида иш олиб борилади. Инспекторлар ҳар чоракда аҳоли олдидида ҳисобот беради.

Бунинг учун профилактика инспекторлари, йўл-патруль, патруль-пост ва қўриқлаш хизматлари фаолиятини ўзаро уйғунлаштириш, уларнинг аҳоли муносабатларига тезкор муносабат билдириш, фуқаролар билан очик мулоқот қилиш, хавф гуруҳига кирувчи шахслар билан манзилли ишлаш борасидаги вазифаларини ягона тизимга бирлаштириш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасига кўра, профилактика инспектори хизмат ҳудудида терговга қадар текширув ва профилактикани амалга оширув-

чи мансабдор шахс ҳисобланади. Шу билан бирга, зиммасига ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодексига қатъий риоя қилиш, ҳуқуқбузарликлар тўғрисида фуқароларнинг ҳар қандай шаклдаги муножаатларини қабул қилиш ва тезкорлик билан муносабат билдириш, ҳуқуқбузарлик содир этилган жойга дарҳол етиб келиш ва текшириш, жабрланган фуқароларга биринчи тиббий ёки бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш каби мажбуриятлар юклатилади.

Президентимиз таклифларни маъқуллаб, профилактика инспекторларини ортиқча вазифалардан ҳалос этиш, уларнинг ҳуқуқий мақоми ва ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш юзасидан мутасаддиларга топшириқ бердилар.

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

“Жиноятчиликни
жиловлашда ҳеч ким
томошабин эмас”

...Кўчалар сокин. Чироқлар мусаффо осмон остида атрофни ёритиб турибди. Маҳалла гузаригаги болалар майдончасида кундузи чопқиллаб чарчаган жажжи болакайлар аллақачон ширин уйқуда. Ота-оналар эса эшикларини хотиржам қулфлаб, эртанги кун режаси билан банд. Бу оддий кўринган манзара аслида энг катта бахт — хавфсизлик ва осойишталикнинг ҳаётий ифодасидир.

Тўлқин ОМОНҚУЛОВ,
Пахтакор туманидаги “Дилором”
маҳалласи профилактика инспектори.

Бундан бир неча йил аввал маҳалла-мизда хавфсизлик масаласи бироз оғриқли эди. Одамлар тунда юришга чўчирди. Кўчалар қоронгу, нотаниш кимсаларнинг юриши дилни хуфтон қиларди. Ота-оналар фарзанди мактабдан сал кечикса, хавотирга тушарди. Бугун эса вазият бутунлай ўзгарди.

“Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили ҳаётимизга кириб келгач, ҳар бир кўча замонaviй тунги чироқлар ва кузатув камералари билан жихозланди. Илгари қўшиннинг уйига бегона кирса, “менга нима”, дейдиганлар, бугун “бу бизнинг маҳалладошимиз, унга ёрдам керак”, деб кўмакка шошади. “Еттилик” ходимларининг ҳамкорлиги натижасида ҳар бир хонадон эътиборда. Аҳоли ўзини эркин ва хотиржам ҳис қилапти. “Яшил” тоифадаги ҳудудга ўтишнинг ҳам ўзига яраша машаққати бор. Биз ана шу жараёни билан ва ақл, тажриба ва ёшлик шижоати билан босиб ўтдик.

Жиноятчиликдан холи ҳудудмиз. “Хавфсиз маҳалла — хавфсиз жамият” тамойили асосида жиноятлар тезкор аниқланяпти. Бунинг учун 120 дан ортиқ кузатув камералари ўрнатилди. Жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган 2 нафар фуқарога мураббий бириктирганмиз. Улар билан доимий суҳбатлар ўтказиб, соғлом турмуш тарзига қайтишига кўмаклашяпмиз.

Биласизми, тинчлик ва осойишталик жиноятчиликнинг йўқлиги билан ўлчанмайди. Унинг замирида катта ижтимоий ва маънавий омиллар ётибди. Масалан, хавфсиз ҳудудда болажонларнинг руҳияти соғлом улғаймоқда. Тинч маҳаллада тўй-ҳашамлар, ҳашарлар ўзгача фойз билан ўтяпти. Одамлар бир-бирига елкадош бўляпти, тунда ҳам хотиржам юра оляпти, фарзандини кўчага хавотирсиз чиқаряпти.



“Пойтахт намунаси” асосида рақамли бошқарув тизимини муваффақиятли жорий этдик. Бунинг учун фақатгина кўчаларга камера қўйиш билан чекланмадик. Тошкент шаҳрида синовдан ўтган — профилактика инспектори ва “еттилик”нинг аҳоли билан тўғридан-тўғри ишлаш тизимини йўлга қўйдик. Ҳар бир хонадоннинг ижтимоий-психологик муҳити “хонадонбай” таҳлил қилинди.

Илгари қўшни хонадондаги жанжалга ёки нотаниш кимсанинг маҳаллада айланиб юришига “менга нима”, деб бефарқ қаралган бўлса, бугун аҳолининг ижтимоий сергаклиги ошган. Маҳалладошлар ҳар қандай шубҳали вазиятни сониялар ичида пайкаб, рақамли тизимлар орқали огоҳлантиришяпти.

Ички ишлар ходимига бўйсунмаслик
жавобгарликка сабаб бўлади

Шомирза
МАМАДАЛИЕВ.
Урганч шаҳри:

— Маҳалла профилактика инспектори тўхтатиб, ҳужжатларимни сўраса, унинг бу талабини бажармасам, қандай жавобгарлик белгиланган?



Бекмурод БЕКИМБЕТОВ,
Ички ишлар вазирлиги
Жамоат хавфсизлиги департаменти
ахборот хизмати ходими:

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 194-моддасига кўра, ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабига бўйсунмаслик базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан ўн икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Яъни, ходимнинг ҳуқуқбузарлиқни тўхтатиш, ҳужжатларни текшириш учун тақдим этиш, ички ишлар органларига бориш ёки кўрсатилган муддатда ички ишлар органларида бўлиш тўғрисидаги қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик бўйсунмаслик, деб ҳисобланади.

Шунингдек, транспорт воситасини тўхтатиш, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик ёхуд бошқача тарзда бўйсунмаслик ҳам жавобгарликка сабаб бўлади.

Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



Ушбу сон
саҳифаларидаги
барча мақолалар
матини мусахҳиҳ
Феруза ФУЗАЙЛОВА
ўқиди.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шох кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380х587, 4 б.т.
8 919 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-620

